

ZiyoNet учун маълумотлар

1. Улуғбек Идиров “Политология” мавзуларини интерфаол ўрганиш (Т.2010).

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган “Политология” фани бўйича намунавий дастур талабларидан келиб чиқилган ҳолда тайёрланган бўлиб, бакалавр йўналиши тўртинчи босқич талабалари учун қўшимча адабиёт сифатида фойдаланишга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: с.ф.н. Ёвқочев Ш.А.

Такризчилар : т.ф.д. проф. Фармонов Р.
с.ф.н. Шарапов А.

Ушбу услубий қўлланма ТошДШИ Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (баённома № , 2010).

Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги
Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти**

Улуғбек Идиров

ПОЛИТОЛОГИЯ

мавзуларини интерфаол ўрганиш

(талабалар учун қўлланма)

Тошкент 2010

Мундарижа.

Кириш	
Политология фан сифатида	
Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари	
Сиёсий жараён.....	
Сиёсий тизим.....	
Сиёсий ҳокимият	
Сиёсий тартибот.....	
Демократия: назария ва амалиёт	
Сиёсий партиялар ва партиявий тизимлар	
Сиёсий маданият	
Сиёсий онг.....	
Давлат сиёсий институт сифатида.....	
Хулоса	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш.

Республикамиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги натижалари, айниқса давлат қурилиши, янги ҳуқуқий тизимини шакиллантириш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни демократиялаштириш борасида эришилган улкан ютуқлар жамиятимизда сиёсий ислоҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун ниҳоятда мақбул шарт-шароитлар вужутга келтирилганлигининг ифодасидир.

Республикамизда адолатли демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакиллантириш вазифалари миллий равнақимизнинг асоси сифатида қабул қилинди.

Бу ўринда маънавий жиҳатдан ҳар томонлама етук бўлган, жамиятимиз мафкурасини рўёбга чиқара оладиган, баркамол авлодни тарбиялаш, камол топтириш жамиятимиз олдида турган энг улуғвор вазифалар қаторига киради. Шу боис ҳам юримизда таълимга етакчи эътибор қаратилмоқда

Зероки, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек : “Шуни унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларидан яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ”¹

Ўзбекитсон Республикасининг таълим тўғрисидаги янги қонунини, ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиниши мамлакатимизда эндиликда таълим ва тарбия ишлари сифат жиҳатдан янги бўлган асосларда ва йўналишда олиб борилишини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатлар ўқув юртларида ўқитилаётган барча ижтимоий фанларга нисбатан ҳар томонлама чуқур муносабатда бўлишликни талаб этмоқда. Ижтимоий фанларни ўқитишни ҳозирги замон талаблари даражасига олиб чиқиш маълумки мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жумладан бу ўринда политология фанини Республикамиз миқёсида ўқитишнинг ҳар томонлама яхши йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш долзарб масала бўлиб турибди.

Маълумки, жамиятимиз аъзоларининг, айниқса ёшларнинг сиёсий онгини, тафаккурини ҳамда сиёсий маданиятини юксалтириш, умумий тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Бунда политология фанининг ўрни ва вазифалари бекиёс каттадир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда талаба ёшларни Политология фани мавзуларини яхши ўзлаштиришларига маълум даражада ёрдам бериш мақсадида ушбу услубий қўлланма бакалавр босқичи талабаларига тақдим этилмоқда. Мазкур қўлланманинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда политология мавзулар талабаларга тушиниш осон бўлиши учун шакллар орқали баён қилиб берилган. Бундай ёндашувнинг асосида қуйидаги ҳолат ётади: маълумки ҳар бир сиёсий ҳодиса ёки сиёсий институт ўзининг мураккаб ички тузилиши ва муносабатларига эгадир. Уларни

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008, 61 бет.

аниқроқ тасаввур қилиш учун унинг ҳар бир ички элементининг моҳиятини англаш зарур бўлади. Бу ўринда шакиллардан фойдаланиш ниҳоятда самарали эканлигини политология фанини ўқитишнинг жаҳон тажрибаси тасдиқлаганини алоҳида эътироқ этиш лозимдир.

Мазкур рисола доирасига имконият даражасида Политология фани ўрганадиган айрим муҳим мавзуларгина киритилди.

Политология фан сифатида

Политология фани жамиятнинг алоҳида муҳим соҳасини – сиёсий соҳасини махсус ўрганувчи фан бўлиб, ўзининг предметиға, категорияларига, қонуниятларига, ҳамда тадқиқот услубларига ва ёндашувларига эгадир. Шунингдек, Политология жамитда ўзига хос махсус вазифаларни ҳам бажаради.

Политология фани ўрганадиган предмет ва объект ҳақида, ҳамда унинг категориялари ва қонуниятлари тўғрисида аниқ

тушунчаға эға бўлишлик талабаларнинг мазкур фаннинг бошқа мавзуларини тўғри ўрганишлари учун бирламчи асос бўлиб ҳизмат қилади.

“Политология” ёки “Сиёсат ҳақидиги фан” икки юнонча сўзнинг бирикмасидан ҳосил бўлган бўлиб, “politike” – давлат ёки жамоат ишлари ва “logos” – сўз, таълим деган маъноларни англатади. Ижтимоийё - сиёсий фанлар тизимида политология фани нисбатан анча ёш ҳисобланади. Дастлабки политология фаниға даҳлдор бўлган кафедралар АҚШда Колумбия колледжи қошида ташкил топган эди.

Ғарбий Европа мамлакатларида политология фанининг ривожлана бошлаши XIX аср охириға тўғри келади. Жумладан, 1871 йилда Францияда дастлабки политология мактаби ташкил қилинди. Ҳозирда ушбу мактаб Париж университети қошидаги Сиёсий тадқиқотлар институтиға айланган. 1895 йилда Англияда Лондон иқтисодий ва сиёсий мактаблар ташкил топди.

Сиёсий тадқиқотларнинг шунингдек бевосита политология фанининг тараққий қилишида 1949 йилда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида Сиёсий Фанлар Халқаро Ассоциациясининг тузилиши катта аҳамиятға эға бўлди.

Политология фанининг институционаллашувида XX асрнинг 70 йилларида мазкур фаннинг жаҳон миқёсида тан олинган ўқув стандартини қабул қилиниши ҳал қилувчи рол ўйнади. Унга кўра политология фанининг структурасига қуйидаги 8 та йўналиш киритилди:


1. Сиёсат ҳақидаги фан: тадқиқот соҳаси ва назария;
2. Микро сиёсатшунослик назарияси;
3. Макро сиёсатшунослик назарияси;
4. Ноҳукумат сиёсати;
5. Давлат ҳокимиятининг институтлари ва жараёнлари;
6. Сиёсат ва сиёсатни амалға ошириш;
7. Тадқиқот стратегияси;
8. Халқаро сиёсат;

Ҳозирги вақтда замонавий интеграциялашган сиёсатшунослик фанининг янги стандарти амал қилмоқда. Янги стандартға кўра политология ўз доирасига ўйидаги йўналишларни қамраб олади.


- Сиёсий институтлар;
- Сиёсий ҳулқ – атвор;
- Компаратив сиёсатшунослик;
- Халқаро муносабатлар;


- Сиёсат назарияси;
- Оммавий сиёсат;
- Сиёсий иқтисод;
- Сиёсатшунослик методологияси.

Ўзбекитсонда политология фанини ўқитилишининг бошланиши бевосита мамлакатимизни ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан боғлиқ бўлди. Ана шу даврдан бошлаб Республикамиз таълим тизимларида асосан Олий таълим тизимида политология фанини ўқитишнинг ҳуқуқий, услубий асослари шакллантирила бошланди. Мамлакатимиз мутахассислари саъй – ҳаракатлари билан бевосита дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратила бошланди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти каби юртимизнинг олий таълим масканларида политолог кадрлар тайёрланмоқда. Айни пайтда илмий политолог кадрлар фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган.



1 – шакл





Политология фанининг предмети ва объекти

Политология фани ўзининг мустақил предметиға эгадир. Фаннинг предмети ҳақида фикр юритилганда авваламбор, объект ва предмет тушунчалари ўртасидаги нисбатни аниқлаб олиш лозим бўлади. Объект бу – фан ўрганаётган соҳа, воқеа – ҳодисалар, умумий жараёнлар мазмунидир. Предмет эса – ўрганилаётган объектнинг алоҳида бўлаги, унинг фаолиятини амалга ошириши ва тараққиётига доир қонуниятларни қамраб олади.

Бундай ҳолат политология фанига ҳам бевосита дахлдордир. Политология фанининг объекти жамиятда мавжуд бўлган барча сиёсий муносабатлар мажмуидан иборатдир.

Политология фанининг предмети жамият сиёсий соҳасининг фаолияти ва тараққиёти билан боғлиқ қонуниятлар ташкил қилади. Жамият сиёсий соҳаси заминида бевосита сиёсий ҳокимият институтини туришини

назарда тутадиган бўлсак, политология фани сиёсий ҳокимиятни вужудга келиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган асосий қонуниятларни ўрганувчи фандир. Ушбу предмет доирасида политология жамият сиёсий соҳасининг қуйидаги жиҳатларини ўрганади:

- Сиёсат ва жамият сиёсий ҳаёти;
- Жамият сиёсий тизими ва унинг структураси;
- Сиёсий муносабатлар ва жараёнлар;
- Давлат ва давлатчилик масаласи;
- Сиёсий лидерлик ва сиёсий элита;
- Сиёсий тартибот ва сиёсий тараққиёт;
- Шахс ва сиёсат;
- Сиёсий маданият ва сиёсий онг;
- Демократия ва демократлашув;
- Фуқаролик жамияти;
- Сиёсий ижтимоийлашув;
- Халқаро сиёсий муносабатлар, ташқи сиёсат.



4-шакл

Мавзу бўйича таянч иборалар: фан предмети, услублари, сиёсий хокимият, политология қонуниятлари, политология фанининг функциялари, политология фанининг асосий категориялари, политология фанининг ижтимоий-сиёсий тизимидаги ўрни аҳамияти.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Политология фанининг бевосита ва билвосита категорияларининг моҳияти нимада кўринади?
2. Политологиянинг предмети ва ўрганиш объектининг асосий хусусиятлари нимада?
3. Политология фанининг асосий ва билвосита категориялари ҳақида маълумот беринг?
4. Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги нималарда ўз аксини топади?
5. Политология парадигмалари қандай маъноларни англатади?